

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

9-сон
(1029)
2022 йил
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

87. ««Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 2 мартдаги ўРҚ–756-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

88. «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПФ–81-сон Фармони
89. «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–146-сон қарори
90. «Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини

ташқил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–147-сон қарори

91. «Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–149-сон қарори

Бешинчи бўлим

92. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2022 йил 10 февралдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3226-1*)
93. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 10 февралдаги 3-сон, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 2-2022-К/Қ-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 2-сон «Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2901-3*)
94. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2022 йил 21 февралдаги 4-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат коидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-5*)
95. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 3 февралдаги 1-сон «Хорижий ишлаб чиқарувчи (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи вакили) томонидан ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш бўйича тақдим этилган аризанинг кўриб чиқилиши учун ундириладиган йиғим миқдорларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республи-*

каси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3350)

96. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2022 йил 8 февралдаги 12/02-22-00142-сон, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2022 йил 7 февралдаги 2-сон «1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 290-5*)
97. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 01/20-03-сон «Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган микроорганизмлар ва вируслар штамлари, ҳайвонот ва ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда заҳарларни сақлаш, ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2232-1*)
98. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директорининг 2022 йил 14 февралдаги 1-сон «Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3191-1*)
99. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 1 мартдаги 3-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқувчилар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3351*)
100. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2022 йил 24 февралдаги 2-сон «Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқноманинг 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2699-2*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

87 «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 16 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **16-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг айрим жойида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун даври мобайнида ушбу жойида жойлашган халқ депутатлари Кенгашларига сайлов ўтказилмайди»;

2) қуйидаги мазмундаги **25⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«25⁴-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини чеклаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги фармонида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 мартда эълон қилинган.

фавқулудда ҳолатнинг амал қилиш даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш назарда тутилиши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **10¹-модда** билан тўлдирилсин:

«10¹-модда. Фуқаролар йиғини фаолиятини чеклаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулудда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги фармонида фавқулудда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулудда ҳолатнинг амал қилиш даврида фуқаролар йиғинининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш назарда тутилиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **42-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42-модда. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади. Бунда тадбиркорлик субъектларига нисбатан қуйидаги ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланилади:

фаолиятни тугатиш;

атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;

фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулудда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолият-

ни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун берилган лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно.

Фавқулодда ҳолат шароитида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрда қабул қилинган «**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида**»ги ЎРҚ–499-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 675-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги мазмундаги **10¹-модда** билан тўлдирилсин:

«10¹-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилишини чеклаш

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун муддати давомида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилмайди».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ЎРҚ–544-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова, № 6, 518-модда) қўйидаги мазмундаги **8¹-модда** билан тўлдирилсин:

«8¹-модда. Сайлов ўтказилишини чеклаш

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун муддати давомида сайловлар ўтказилмайди».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–682-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда) **45-моддаси** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда идоралар буйруқлари ва қарорларининг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг амал қилишини ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонига зид бўлган тақдирда, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддатида тўхтатиб туришга ҳақли».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 март,
ЎРҚ–756-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

88 Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва ну- ронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомил- лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш;

гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш;

худудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;

турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш;

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни «Аёллар дафтари» орқали манзилли қўллаб-қувватлаш;

жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини ошириш.

2. Республикада оила ва хотин-қизларга оид давлат сиёсатини янги

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 мартда эълон қилинган.

босқичга олиб чиқиш, уларнинг муаммоларига тизимли ечим топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита), унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш, илмий фаолиятга кенг жалб қилиш;

оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш;

хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оиладаги маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича манзилли чоратадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига ёрдам кўрсатиш.

4. Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасини Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси сифатида қайта ташкил этиш ҳамда Қўмита тузилмасига ўтказиш;

«Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтини «Оила ва хотин-қизлар» илмий-тадқиқот институти сифатида қайта ташкил этиш ҳамда Қўмита тузилмасига ўтказиш;

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси, «Оила ва жамият» газетаси, «Саодат» журнали, «Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила» халқаро илмий журналинини Қўмита тузилмасига ўтказиш;

«Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари» фаолиятини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш.

5. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасига — Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси лавозими;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасига — Қўмита раиси билан келишилган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларига — Қўмита раиси билан келишилган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тар-

тибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ҳоким ўринбосарлари — оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари лавозимлари; туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларига — Қўмита раиси билан келишилган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ҳоким ўринбосарлари — оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари лавозимлари киритилсин.

6. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасидаги — Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири лавозими;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларидаги — ҳоким ўринбосарлари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиқлари лавозимлари;

туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларидаги — ҳоким ўринбосарлари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари бошлиқлари лавозимлари тугатилсин.

7. Ҳар бир шаҳарча, кишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоқлар ва овуллардаги ҳар бир маҳаллада маҳалла раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари ҳамда оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозими ўрнига хотин-қизлар фаоли лавозими маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби сақланган ҳолда бир нафардан жорий этилсин.

8. Қуйидагилар маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий муҳитини ва анъанавий оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чоратадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади;

«Аёллар маслаҳат кенгашлари» билан яқин ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларни ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга қўмаклашиш, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш.

9. Белгилансинки:

Қўмита оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

оила ва хотин-қизлар масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Қўмита билан келишилади;

Қўмита томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади;

Қўмита хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга масъул ҳисобланади;

маҳалладаги хотин-қизлар фаоли ўз фаолиятида Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмаларига бўйсунди ҳамда улар олдида ҳисобдор бўлади.

10. Қўмита қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бир ҳафта муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Қўмита фаолиятини ташкил этиш юзасидан;

икки ҳафта муддатда оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш юзасидан;

уч ой муддатда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, «Оила ва хотин-қизлар» илмий-тадқиқот институти ҳамда «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари» фаолиятини такомиллаштириш юзасидан.

11. Қуйидагилар нуруний ва кексаларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ижтимоий ҳамжихатлик ва адолатлилик тамойиллари асосида кекса авлод вакилларининг ҳаёт сифати ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

кекса авлод вакилларига ўз вақтида, манзилли ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, уларга соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим, маданият ва транспорт тизимларидан кенг фойдаланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

кекса авлод вакилларининг қафолатли ижтимоий ва моддий таъминотини ташкил этиш;

замонавий иқтисодиётда кекса авлод вакилларининг ҳуқуқий ва молиявий саводхонлигини ошириб боришга шароитлар яратиш;

кекса авлод вакилларининг тизимли равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитларни яратиш.

12. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари негизида тегишинча Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари амалдаги молиялаштириш тартиби ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари сақлаб қолинган ҳолда ташкил этилсин.

13. Қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маҳаллаларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, аҳоли кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини юксалтириш;

нуроний ва кексаларни маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний кадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва раҳмдиллик сингари анъаналарни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кенг жалб этиш;

нуроний ва кексаларни қўллаб-қувватлаш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларининг ижроси, шу жумладан ҳудудларда, айниқса, олис қишлоқларда кекса авлод вакиллариغا тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириб бориш;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда ҳал этиш чораларини кўриш;

маҳаллаларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

14. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирлик нуроний ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, маҳаллалар билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

маҳалла, нуроний ва кексалар масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Вазирлик билан келишилади;

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади;

Вазирлик Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тегишли ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

15. Вазирлик қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бир ҳафта муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлик фаолиятини ташкил этиш юзасидан;

икки ҳафта муддатда нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳаёт даражасини ошириш юзасидан;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

лиги билан биргаликда маҳалла тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан.

16. Давлат органлари ва ташкилотларининг алоҳида эътибори қаратилсинки, маҳалла раиси маҳалла ҳудудининг аҳоли томонидан сайланган обрўли шахси бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалайди ҳамда ҳудудни комплекс ривожлантириш вазифалари амалга оширилишини ва фуқаролар муаммолари самарали ҳал этилишини ташкил этади.

17. Маҳалла раисига қуйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилсин:

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтириш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини баҳолаш ҳамда натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборот киритиб бориш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

18. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар «Маҳалла тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, шу жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолини маҳалла кенгаши таркибига киритиш;

маҳалла раиси, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторининг маҳалла ҳудудида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари ҳамда маҳаллани комплекс ривожлантириш бўйича коллегиал масъулияти ва жавобгарлиги доирасини аниқ белгилаш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда уларнинг маҳалла раиси билан келишган ҳолда фаолият юритиши;

маҳалла раисларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, шу жумладан соғлигини тиклаш (бепул тиббий даволаниш, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар бериш) ҳамда давлат мажбурий суғуртаси (фаолияти давомида меҳнат лаёқатини йўқотганда ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармонининг 3-бандида назарда тутилган қоидалар.

19. Аҳоли муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш ҳамда мурожаатларни давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўриб чиқишнинг бир-бири билан узвий боғланган тўрт поғонали «маҳалла-туман-вилоят-республика» тизими жорий этилсин.

20. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

худудда маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда муҳокама-лар ўтказилади;

ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлар бўйича ахбороти эшитилди ҳамда муаммоларнинг бартараф этилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади;

маҳалла раиси ҳар чоракда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маҳаллада амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда бартараф этилмаган тизимли муаммолар бўйича тегишли туман (шаҳар) халқ қабулхонасига маълумотлар киритиб боради;

туман (шаҳар) халқ қабулхонаси маҳалла раиси маълумотига асосан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади ҳамда масъул ходимларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига таклифлар беради.

21. Қўмита Вазирлик билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар олти

ой якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 март,
ПФ-81-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**89 Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини
ташkil этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-81-сон Фармонига мувофиқ:

1. Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларининг Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясини, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларида эса Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича ҳудудий комиссияларни ташkil этиш ҳақидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

2. Қуйидагилар:

а) Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

б) Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони:

49 нафар штат бирлигидан иборат Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

168 нафар штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

621 нафар штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларининг намунавий тузилмаси 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 мартда эълон қилинган.

** 1 — 4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисига:

ўзининг ўринбосарлари ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлаш;

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Қўмита) марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида 5 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигидан иборат бўлган Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг котибияти ташкил этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси ҳар йили Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига Қўмита фаолияти юзасидан ҳамда соҳадаги тизимли муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида ахборот бериб боради;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари лавозимларига номзодлар туман (шаҳар) ҳокимлари ўринбосарлари — оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари бошчилигидаги танлов комиссияларини шакллантириш орқали очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари лавозимларига оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тажрибасига эга, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи ва садоқатли номзодлар тайинланади;

Қўмита марказий аппарати ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги марказий аппарати ходимларига, унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ходимларига тенглаштирилади.

6. Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Бош прокуратуранинг ташкилий-штат тузилмасида штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан 20 нафар штат бирлигидан (шундан, 14 нафар ҳудудий вакиллар штат бирлиги) иборат Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш со-

ҳаларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилсин.

Бош прокуратура хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳаларидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат ўрнатсин.

9. Қўмита:

а) икки ой муддатда:

марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларнинг Қўмитага юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан танлов асосида тўлдирилишини;

таркибий ва бўйсунувидаги бўлинмалар, шу жумладан маҳалладаги хотин-қизлар фаоли тўғрисидаги низомлар, шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тасдиқланишини таъминласин;

б) уч ой муддатда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмаларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини ҳамда зарур алоқа, жумладан, Қўмитани ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

10. Белгилансинки, Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўзларига юклатилган функцияларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қўмитага тегишли вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

Қўмита ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда оилани мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритиш;

хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда оилани мустаҳкамлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ҳамда таклифлар киритиш.

11. 2022 йил 1 майдан бошлаб маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қуйидагича белгилансин:

хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,5 баравари миқдорида;

хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари миқдорида;

хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,5 баравари миқдорида.

Белгилансинки, фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15 фоизи миқдориди моддий рағбатлантириш жамғармаси шакллантирилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022 йил 1 августга қадар маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларини «Аёллар дафтари»ни юритиш, масофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видео-конференцалоқа шаклида ййғилишларда иштирок этиш имконини берувчи планшетлар билан таъминласин.

Қўмита ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда планшетларда фойдаланиладиган дастурий таъминотни ишлаб чиқсин ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига тақдим этсин.

13. Қўмита Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоилий кўчаси, 1 Г-уй манзили бўйича оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қўмита билан биргаликда 2022 йил 1 апрелга қадар Қўмитанинг ҳудудий бўлинмаларини зарур бино ва иншоотлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

14. Молия вазирлиги:

2022 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасида Қўмитанинг харажатлари учун «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

«2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Қўмита фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

2023 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни кўзда тутсин.

15. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 март,
ПҚ-146-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**90 Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-81-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

а) Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

б) Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони:

54 нафар штат бирлигидан иборат Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

168 нафар штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

1 035 нафар штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимларининг намунавий тузилмаси 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигига:

ўзининг ўринбосарлари ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлаш;

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

3. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 мартда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Вазирлик икки ой муддатда:

марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларнинг барча ходимларини аттестациядан ўтказсин ҳамда аттестация натижаларига кўра уларни Вазирликка юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан танлов асосида тўлдириш чораларини кўрсин;

таркибий ва бўйсунувидаги бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тасдиқланишини таъминласин.

6. Белгилансинки:

а) Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўзларига юклатилган функцияларга мувофиқ белгиланган тартибда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирликка тегишли вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига маҳалла, нуроний ва кексалар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бўзилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

маҳалла, нуроний ва кексалар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини қўзлаб судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритиш;

маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нуроний ва кексаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга доир ташаббуслар билан чиқиш ҳамда таклифлар киритиш;

б) Вазирлик фаолиятини мувофиқлаштириш бевосита Бош вазир қотибияти томонидан амалга оширилади.

7. 2022 йил 1 майдан бошлаб маҳалла раисининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қўйидагича белгилансин:

хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари миқдорида;

хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,5 баравари миқдорида;

хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорида.

Белгилансинки, фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, маҳалла раисларини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15 фоизи миқдорида моддий рағбатлантириш жамғармаси шакллантирилади.

8. Вазирлик Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқлол кўчаси, 51-уй манзили бўйича оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳар ҳокимликлари Вазирлик билан биргаликда 2022 йил 1 апрелга қадар Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларини зарур бино ва иншоотлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Молия вазирлиги:

2022 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасида Вазирликнинг харажатлари учун «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

«2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Вазирлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

2023 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни кўзда тутсин.

10. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 март,
ПҚ-147-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**91 Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатимизда жорий этилаётган хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими доирасида хорижга чиқиб кетаётган фуқароларни касб-хунар ва чет тилларига ўқитиш, хорижда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур ижтимоий ва ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, хорижда меҳнат мигрантларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш қўламини ошириш, иш жойларидаги муаммоларини тизимли равишда ўрганиш ва уларни ҳал қилиш бўйича зарур амалий ёрдам кўрсатиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва ижобий ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиб бориш зарурияти сезилмоқда.

Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 июндан бошлаб Россия Федерацияси, Туркия Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг 1-иловада** кўрсатилган ҳудудларида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг вакиллик институти (кейинги ўринларда — вакил) жорий қилинсин.

Белгилансинки:

мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган ҳар бир ҳудудга камида икки нафар вакил бириктирилади;

вакиллар Россия Федерациясида — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Москва шаҳридаги ваколатхонаси ходимлари сифатида, Туркия Республикаси ва Қозоғистон Республикасида — ушбу давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари сифатида аккредитациядан ўтказилади;

вакилларнинг бир нафари устувор равишда хорижий давлатларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, юқори малакали мутахассислар орасидан танлаб олинади ва Ўзбекистон Республикасидан юборилади, иккинчиси эса хорижий давлатда яшовчи обрў-эътиборли, кенг дунёқарашга эга ватандош-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 мартда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар ёки зарур малака ва тажрибага эга бўлган бошқа шахслар орасидан жалб қилинади;

Ўзбекистон Республикасида танланган вакиллар Россия Федерацияси, Туркия Республикаси ва Қозоғистон Республикасига узоқ муддатли хизмат сафарига юборилади;

вакилларнинг фаолияти, асосан, Ўзбекистон Республикасининг кўп сонли фуқаролари уюшган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган хорижий корхоналар ёки таҳсил олаётган таълим ташкилотларида ташкил этилади;

хорижий давлатларда вакиллар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари раҳбарлари томонидан амалга оширилади;

вакил лавозими Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ходимлари сонини кўпайтириш ҳисобига жорий этилади;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда вакилларни уларнинг мазкур қарор билан чекланган штатлари сони доирасида бошқа ҳудудларга бириктириш ёки сонини қисқартириш ҳуқуқи берилади.

2. Қўйидагилар вакилнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан ҳамкорликда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

хориждаги ватандошлар ва ўзбек миллий-маданий ташкилотлари билан яқин алоқаларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорликда мунтазам равишда меҳнат мигрантлари учун маданий ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, фуқаролар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар тўғрисида хорижда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида кенг қамровли тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш кўламини кенгайтириш, ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш, салоҳиятли иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш;

хорижда бўлиб турган даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва таҳқирланишга дучор бўлган, жароҳат олган, бахтсиз ҳодисага учраган, оғир касалликка чалинган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз ёки маблағсиз қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш;

хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, меҳнат органлари ва миграция марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳо-

рот ва маслаҳатлар бериш, ушбу хизматлардан фойдаланишда уларга кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, вакиллар фаолиятини моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан уларга иш ҳақи тўлаш, хизмат сафари ва хорижий давлатдаги яшаш харажатларини қоплаб бериш ҳамда уларни транспорт, хизмат бинолари, алоқа воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш:

2022 йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

2023 йилдан бошлаб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг асослантирилган ҳисоб-китобларига кўра ҳар йили Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда, Туркия Республикаси ва Қозоғистон Республикасидаги вакиллар фаолиятини моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар Ташқи ишлар вазирлигига ўтказиб борилади.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) 2023 йил ва кейинги йиллар учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда вакиллар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасига зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (А. Бекмуродов) Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) билан биргаликда:

2022 йил 1 майга қадар вакиллар учун янги жорий этилаётган тизимнинг моҳияти ва мазмунини тушунтиришга қаратилган ўқув-семинарларни ташкил этсин;

ўқув-семинарларга вазирлик, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларнинг етарли малака ва тажрибага эга бўлган ходимларини жалб қилсин.

Белгилансинки, ўқув-семинарларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) билан биргаликда:

вакиллар фаолиятини ташкил этиш учун зарур шароитларни яратсин, шу жумладан хизмат хоналари ва моддий-техник жиҳозлар (мебель, компьютер тўплами, планшетлар, алоқа, Интернет ва бошқалар) билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатсин;

обрў-эътиборли, кенг дунёқарашга эга ватандошлар ёки зарур малака ва тажрибага эга бошқа шахсларни вакил сифатида жалб қилиш чораларини кўрсин;

вакилларга улар фаолият юритаётган хорижий давлатдаги маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа муассасалар, шунингдек, ўзбек миллий-маданий ташкилотлари ва ватандошлар билан алоқалар ўрнатишда ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий давлатларда ишга жойлаштириш, меҳнат мигрантларига ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларида вакиллар билан доимий ҳамкорлик ўрнатсин;

вакиллар фаолиятини моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағларнинг тўғри тақсимланиши ва мақсадли сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Хорижда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий-маърифий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда «йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг 2022 йил 1 майдан бошлаб Федерация маблағлари ҳисобидан ҳар йили:

а) маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчиларининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) ёзма тавсияномасига асосан:

боқувчиси хорижга меҳнат миграциясига чиқиб кетган ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатда бўлган оилаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган, ногиронлиги бўлган оила аъзоларига дори-дармон, ногиронлик аравачалари, эшитиш аппаратлари ва ортопедик маҳсулотлар харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида улар билан бирга истиқомат қилувчи пенсия ёшига етган ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган оила аъзоларига қасаба уюшмалари тизимидаги санаторий ва профилактик даволаниш муассасаларига бир марталик бепул йўлланма бериш;

б) маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг ёзма тавсияномасига асосан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ҳамда меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг болаларига мавсумий фаолият юритадиган оромгоҳларга бепул йўлланмалар бериш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

8. Белгилансинки, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг маблағлари ҳисобидан меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг оила аъзоларига ёрдам пуллари ва йўлланмалар беришда:

а) ёрдам пуллари ва йўлланмалар башарти меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқаролар «Labor migration» дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган бўлса берилади;

б) ёрдам пуллари ва йўлланмаларни олиш учун талабгорлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига «Labor migration» дастурий мажмуаси орқали электрон тарзда мурожаат қилади;

в) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

талабгорлардан электрон мурожаат келиб тушган вақтдан бошлаб беш кун ичида уларнинг мазкур қарорнинг 7-бандида назарда тутилган талабларга жавоб беришини қўшимча ҳужжатларни сўраб олмаган ҳолда идоралараро электрон ахборот алмашинуви орқали бошқа вазирлик ва идоралардан олинган маълумотлар асосида текширади ҳамда ҳоким ёрдамчилари ва маҳаллалардаги ёшлар етакчиларидан ёзма тавсиянома олади;

мазкур қарорнинг 7-бандида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган талабгорларнинг рўйхатини шакллантиради ва ҳар ойнинг 25-санасигача Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясига тақдим этиб боради.

9. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) 2022 йил 1 майга қадар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда «Labor migration» дастурий мажмуасини ҳоким ёрдамчилари учун ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва «Ёшлар портали» электрон платформаси билан интеграция қилсин;

«Labor migration» дастурий мажмуасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнат мигрантининг оила аъзоларига кўрсатиладиган ёрдамлардан фойдаланиш имкониятини берувчи махсус саҳифа яратсин.

10. Туман (шаҳар) ҳокимлари, ҳоким ёрдамчилари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ва маҳалла раислари мунтазам равишда:

меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг оила аъзолари ҳолидан хонадонбай хабар олиш, муаммолари ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал этишда ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларнинг моддий, ижтимоий ва яшаш шароитларини яхшилаш бўйича манзилли ишларни амалга оширсин;

меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқаролар оила аъзоларининг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш чораларини кўрсин ҳамда ўқишни тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашсин;

меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқаролар оила аъзоларига хунарамандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб

чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйишда ҳамда тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатсин;

меҳнат миграциясига чикиб кетган фуқаролар билан уларнинг оила аъзолари иштирокида Интернет тармоғи ва бошқа алоқа воситалари орқали боғланиб, суҳбатлар уюштириб борсин ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги билан биргаликда ушбу фуқароларнинг суҳбат натижасида аниқланган муаммоларини ҳал қилиш бўйича зарур чораларни кўрсин;

меҳнат миграциясига чикиб кетган фуқаролар фарзандларининг таълим олишидаги муаммоларини ҳал қилиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш бўйича самарали ишларни ташкил қилсин, уларни миллий халқ ўйинлари, спорт мусобақалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга кенг жалб қилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур йўналишларда амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган ахборот киришиб борсин.

11. Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камитов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда:

хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ва таълим олаётган ўзбекистонлик ёшларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида «Хориждаги ёшлар баланси»ни шакллантирсин ва улар тўғрисидаги зарур маълумотларни «Ёшлар портали» электрон платформасига киритиб борсин;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан биргаликда хорижда бўлиб турган ўзбекистонлик ёшлар учун сайёр қабуллар ташкил этсин;

«Хориждаги ёшлар баланси»ни шакллантириш ва сайёр қабулларни ўтказиш вақтида ўзбекистонлик ёшларнинг аниқланган муаммолари ва эҳтиёжларини ҳал қилиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу бандда белгиланган чора-тадбирлардан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2022 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4829-сон қарори 11-бандида назарда тутилган микроқарзлар «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ёки «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чикиб кетаётган фуқароларга ҳам тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги «Хо-

рижга ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5205-сон қароридан назарда тутилган малака имтиҳонларини топшириш, йўл чиптасини харид қилиш ва «ишчи виза»ни расмийлаштириш бўйича компенсациялар 2023 йил 1 январга қадар тўланади.

13. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси, Туркия Республикаси ва Қозоғистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари раҳбарлари хорижда бўлиб турган фуқаролар билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқот ўрнатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин, шу жумладан:

мунтазам равишда Ўзбекистон Республикасининг кўп сонли фуқаролари уюшган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган хорижий корхоналар ёки таҳсил олаётган таълим ташкилотларида сайёр учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиб борсин;

хорижда бўлиб турган фуқароларни дипломатик ваколатхона ва консуллик муассаса фаолиятининг асосий йўналишлари билан таништириш мақсадида мунтазам равишда «Очиқ эшиклар куни»ни ўтказсин;

меҳнат мигрантлари ҳаётдан ижобий мисоллар ва уларнинг қаҳрамонликлари акс эттирилган видеоматериаллар тайёрласин ҳамда ҳар ойда камида бир маротаба хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ташқи ишлар вазири А.Ҳ. Камилов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.М. Мухитдинов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири маслаҳатчиси М.А. Хайриддинов белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 март,
ПҚ–149-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

92 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшин- ларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодлар- ни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ки- ритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3226-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ–4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 11 февралдаги 130-сон буйруғи (рўйхат рақами 3226, 2020 йил 16 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2020 й., 10/20/3226/0313-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 февраль,
67-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг 2022 йил 10 февралдаги
67-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни
саралаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Номзод Саралаш комиссияси котибига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

биометрик паспорт ёки идентификация ID-кارتаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

ҳарбий гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

туғилганлик ҳақида гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

номзод томонидан қўлда ёки компьютерда ёзилган таржимаи хол;

анкета-маълумотнома.».

2. 52-банддан «(Саралаш комиссияси баённомасидан кўчирма, шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ҳарбий гувоҳнома) нусхаси, наркологик, сил касалига қарши кураш, тери-таносил, психоневрологик диспансерлар ва ОИТСга қарши кураш марказидан олинган маълумотнома, сўнгги беш йил ичидаги амбулатор беморнинг тиббий картасидан кўчирма, мажбурий диагностика тадқиқотларининг натижалари билан бирга)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 3-илованинг 2-бандидаги «шахсини тасдиқловчи ҳужжатини» деган сўзлар «биометрик паспорти ёки идентификация ID-картаси ёхуд ҳарбий гувоҳномасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 5-илованинг 1-бандидаги «шахсини тасдиқловчи ҳужжатини» деган сўзлар «биометрик паспорти ёки идентификация ID-картаси ёхуд ҳарбий гувоҳномасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

93 **Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2901-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфра-тузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017 йил 23 июндаги 19, 17-Қ/Қ, 90-сон қарори (рўйхат рақами 2901, 2017 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 743-модда) билан тасдиқланган Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган пенсионерлар таълим муассасасига қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

ариза;

пенсия гувоҳномаси нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги ҳарбий хизматчининг гувоҳномаси;

белгиланган шаклда тўлдирилган сўровнома;

таржимаи ҳол;

тегишли илмий даражаси ҳақидаги дипломнинг нусхаси (мавжуд бўлса);

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 февралда эълон қилинган.

тегишли илмий унвони ҳақидаги аттестатнинг нусхаси (мавжуд бўлса);

илмий ишлар рўйхати (мавжуд бўлса);

илмий ишлар ҳамда ихтироларга тегишли ҳужжатлар ва бошқа муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлса).».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 февраль,
3-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 февраль,
2-2022-Қ/Қ-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 февраль,
2-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ
БҮЙРУҒИ

94 Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 февралдаги ПҚ-4998-сон «Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сон буйруғи (рўйхат рақами 2034, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 45-сон 492-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Департамент бошлиғи

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 февраль,
4-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш департаменти
бошлиғининг 2022 йил 21 февралдаги
4-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ
бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларига қиритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

бешинчи ва олтинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**қимматбаҳо металллар** — ҳар қандай кўриниш ва ҳолатдаги, шу жумладан ёмби ва аффинаж қилинган ҳолатдаги, шунингдек хом ашёдаги, қотишмалардаги, хомаки маҳсулотлардаги, саноат маҳсулотларидаги, кимёвий бирикмалардаги, қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлардаги, қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгиларидаги, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол парчаларидаги ва чиқиндиларидаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гуруҳига кирувчи металллар (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий);

қимматбаҳо тошлар — табиий олмослар, ёқутлар, зумрадлар, сапфирлар, александритлар, хом (табиий) ва ишлов берилган тарздаги табиий марварид. Қаҳрабонинг ноёб ҳосилалари қимматбаҳо тошларга тенглаштирилади;»;

қуйидаги мазмундаги йигирма биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«**юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар** — юқори мансабдор шахсларга ижтимоий ва касбий жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлган жисмоний шахслар.».

2. 11-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нақд пулда ўзаро ҳисоб-китоб амалга оширилганда операциянинг умумий суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 600 бараваридан ошган тақдирда;

операциянинг суммаси ва тўлов шаклидан қатъи назар миқдори, унинг вакилини ва бенефициар мулкдорини жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадорлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлган ҳолатларда;».

3. Қуйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

«12¹. Агар, мавжуд миқдорнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қир-

фин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқаси борлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганида ва унга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга ошираётганлиги ошкор бўлиши мумкинлигини инobatга олган ҳолда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширмасдан махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция ҳақида хабар юборилишига йўл қўйилади.».

4. 18-банднинг иккинчи — еттинчи хатбошиларидаги «300 бараварига тенг ёки ундан» деган сўзлар «600 бараваридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 20-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «(рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19 октябрь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Қўйидаги мазмундаги 23¹-банд билан тўлдирилсин:

«23¹. Бир маротабалик нақд маблағлар билан боғлиқ амалга оширилган операциялар суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 600 бараваридан ошган тақдирда шубҳали операциялар деб топилади ва бундай операциялар ҳақида белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши шарт.».

7. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси билан келишилган.

Келишилди:

***Давлат асиллик даражасини
белгилаш палатаси бошлиғи***

Б. ХУДАЙБЕРДИЕВ

2022 йил 16 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

95 Хорижий ишлаб чиқарувчи (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи вакили) томонидан ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш бўйича тақдим этилган аризанинг кўриб чиқилиши учун ундириладиган йиғим миқдорларини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3350*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 139-сон «Давлат ветеринария хизмати тизимида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Хорижий ишлаб чиқарувчи (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи вакили) томонидан ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш бўйича тақдим этилган аризанинг кўриб чиқилиши учун ундириладиган йиғим миқдорлари иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. НОРКОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 3 февраль,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 февралда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

96 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 290-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 декабрдаги 727-сон «Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Транспорт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор 2022 йил 4 мартдан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 февраль,
12/02-22-00142-сон

Транспорт вазири

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 февраль,
2-сон

Келишилди:

**Ўзбекистон халқаро автомобилда
ташувчилар уюшмаси раиси**

С. ПУЛАТОВ

2022 йил 26 январь

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил
8 февралдаги 12/02-22-00142-сон,
Транспорт вазирлигининг 2022 йил
7 февралдаги 2-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1996 йил 11 октябрда ва «Ўзавтотранс» давлат-акциядорлик корпорацияси томонидан 1996 йил 16 октябрда тасдиқланган 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 290, 1996 йил 10 декабрь).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2013 йил 10 декабрдаги 01-02/12-32 ва 17-сон «1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 290-1, 2014 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 3-сон, 34-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2015 йил 10 июлдаги 01-02/12-32 ва 33-сон «1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 290-2, 2015 йил 20 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 29-сон, 386-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2017 йил 6 мартдаги 01-02/12-10 ва 58-сон «1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 290-3, 2017 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 179-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2018 йил 19 январдаги 01-02/12-4 ва 3/189-255-сон «1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш-

лар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 290-4, 2018 йил 27 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2018 й., 10/18/290-4/0821-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

97 «Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган микроорганизмлар ва вируслар штамлари, ҳайвонот ва ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда заҳарларни сақлаш, ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2232-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги ПҚ-4899-сон «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2011 йил 18 майдаги 81-сон «Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган микроорганизмлар ва вируслар штамлари, ҳайвонот ва ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда заҳарларни сақлаш, ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2232, 2011 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 240-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 1 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. НОРКОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 февраль,
01/20-03-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни ривожланти-
риш давлат қўмитасининг 2022 йил
1 февралдаги 01/20-03-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган
микроорганизмлар ва вируслар штаммлари, ҳайвонот ва
ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда захарларни сақлаш,
ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга
бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
бўйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Бўйруқнинг муқаддимасидан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 335-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

1) муқаддимадан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 335-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 3-банддаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 4-банддаги «ветеринария-санитария талабларига» ва «санитария нормалари, қоидалари» деган сўзлар тегишли равишда «ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига» ва «санитария қоидалари, нормалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 10-банддаги «жойлари, ҳарорати -20°C дан -60°C гача» деган сўзлар «жойлари ҳарорати -20°C дан -80°C гача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5) 11-банддаги « -20°C дан -60°C гача» деган сўзлар « -20°C дан -80°C гача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 14-банддаги «Ўзбекистон ветеринария» деган сўзлар «Ветеринария» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) 27-банддаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Дав-

лат ветеринария бош бошқармасига» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 1 ва 4-иловалар ушбу ўзгартиришларнинг 1 ва 2-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

9) 3-иловадаги «Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғининг буйруқ рақами ва санаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси қарорининг рақами ва санаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишилган.

Келишилди:

*Ўсимликлар карантини ва ҳимояси
агентлиги Бош директори*

И. ЭРГАШЕВ

2022 йил 17 январь

*Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизмати бошлиғи*

Б. ЮСУПАЛИЕВ

2022 йил 1 февраль

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

98 Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3191-1

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 январдаги ЎРҚ–743-сон «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 15 июлдаги ПФ–6262-сон «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПҚ–5185-сон «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғининг 2019 йил 14 октябрдаги 8-сон буйруғи (рўйхат рақами 3191, 2019 йил 31 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 10/19/3191/3985-сон) билан тасдиқланган Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ иловасининг 1-банди 2022 йил 12 апрелдан эътиборан кучга киради.

Бош директор

И. ЭРГАШЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 14 февраль,
1-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги
бош директорининг 2022 йил 14 февралдаги
1-сон буйруғига
ИЛОВА

Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликлар карантини объекти (карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организм) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлмаган ёки чекланган тарзда мавжуд бўлган, тарқалиши катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган ва карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмларга қарши курашиш объекти ҳисобланган зарарли организм;».

2. 15-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва химояси бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳудудий органларининг ва Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бўлинмаларининг вакиллари жалб қилган ҳолда, таркибида камида 5 кишидан иборат комиссия тузилади (кейинги ўринларда — Комиссия деб юритилади).».

3. 16-банддаги «инспекцияга» деган сўз «бошқармага» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 20-банддаги ва 21-банднинг иккинчи хатбошисидаги «инспекция» деган сўзлар «бошқарма» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 24-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 1 ва 2-иловалар матнидаги «давлат инспекцияси» деган сўзлар «ва химояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ**99** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқувчилар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3351*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 октябрдаги 858-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида ўқишни ташкил қилиш чоралари тўғрисида»ги ва 2021 йил 10 июндаги 359-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида кредит-модуль тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқувчилар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 9 январдаги 9-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежлари ўқувчиларининг билимини баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3117, 2019 йил 9 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 10/19/3117/2445-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 март,
3-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 1 мартдаги
3-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик
техникумларида таълимнинг кредит-модуль тизимида
ўқувчилар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш
мезонлари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида (бундан буён матнда юридик техникум деб юритилади) таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқувчилар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

кредит — таълим олиш натижаларига кўра ўқувчи томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкмасининг ўлчов бирлиги;

таълим модули (бундан буён матнда модуль деб юритилади) — бу ўзида билимга оид ҳамда касбий жиҳатларни қамраб оладиган, ўқувчида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган таълим дастурининг таркибий элементи сифатида назорат қилишнинг тегишли тури билан яқунланадиган алоҳида ўқув фани (унинг қисми ёки ўзаро бир соҳага доир фанлар мажмуи);

модулларнинг ўқув дастури (силлабус) (бундан буён матнда ўқув дастури деб юритилади) — ҳар бир ўқув фанининг мазмуни ва ўқитиш тартибини, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ҳамда кўникмалар ҳажмини белгилаб берадиган расмий педагогик ҳужжат;

GPA (Grade Point Average) — таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган баллари ўртача қиймати бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K_1 * U_1 + K_2 * U_2 + K_3 * U_3 \dots + K_n * U_n}{K_1 + K_2 + K_3 \dots + K_n}, \text{ бунда:}$$

K — ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори;

U — ҳар бир фан/модуль бўйича талаба тўплаган балл.

Бунда, ўқувчи фақат фан/модулни муваффақиятли яқунлаган тақдирда, ушбу фан/модуль бўйича кредит берилади.

2. Юридик техникум ўқувчилари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг мақсади — юқори малакали, рақобатбардош, замонавий халқаро стан-

дартларга жавоб бера оладиган юридик кадрларни тайёрлаш ҳамда ўқувчиларнинг мустақил таълим олишини таъминлаш, шунингдек модулларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

3. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

ўқувчиларда давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шакллانганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини ёки компетенцияларини баҳолашнинг асосий тамойиллари бўлган давлат таълим стандартларига асосланганлик, холислик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик, билимларни баҳолашда шаффофликни таъминлаш;

ўқув материалининг ўқувчилар томонидан тизимли равишда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ҳамда таҳлил қилиш;

ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, фикрларни ёзма ва оғзаки, жумладан хорижий тилда равон баён этиш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

ўқувчиларнинг ўқув режаси доирасида комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш.

4. Ўқув дастурини ўзлаштириш ўқув юклама ҳажмини аниқлашнинг шартли бирлиги (кредит)ни қўллаган ҳолда белгиланади.

Бир кредит таркиби, ҳар бир модуль бўйича кредитлар миқдори, шунингдек ҳар бир курсни ва умуман ўқиш даврини тамомлаш учун ўқувчи томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитларнинг умумий миқдори Тошкент давлат юридик университети (бундан буён матнда ТДЮУ деб юритилади) Кенгаши томонидан белгиланади.

5. Ўқувчи ўқув дастурини ўзлаштирган (GPA кўрсаткичини тўплай олган) тақдирда, у тегишли модуль бўйича кредитларнинг зарур миқдорини тўплаган деб ҳисобланади.

6. Кафедра мудири ҳар бир модуль бўйича алоҳида модуль раҳбарини, яъни модулни ўқитишнинг сифати, ўқув материални шакллантириш, шунингдек барча турдаги назорат саволларини тузиш, ўқувчилар билимининг белгиланган мезонлар асосида баҳоланишини таъминлашга масъул бўлган педагог ходимни белгилайди.

7. Ўқувчилар ўқув йилининг биринчи ҳафтаси мобайнида юридик техникумнинг факультет декани томонидан мазкур Низом талаблари билан тўлиқ таништирилиши шарт.

8. Юридик техникум томонидан ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш бошқа маҳаллий ёки хорижий ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари билан ташкил этилган қўшма таълим дастурлари доирасида ҳамда қўшма таълим дастурлари бўйича шартномада назарда тутилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

9. Касаллиги ёки бошқа ҳужжат билан тасдиқланган узрли сабаблар туфайли (йўл-транспорт ҳодисаси, яқин қариндошининг вафоти, никоҳ тузилиши, фарзанд туғилиши) оралиқ ва (ёки) якуний назорат турларида (бундан буён матнда назорат тури деб юритилади) белгиланган муддатда иштирок этмаган ўқувчига факультет декани томонидан ушбу ҳолатларга аниқлик киритган ҳолда ва асослантирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда юридик техникум директорининг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари (бундан буён матнда директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари деб юритилади) томонидан тасдиқланган жадвал асосида назорат турлари қайта ўтказилади.

10. Назорат турини ўтиш рейтинг баллини кўтариш мақсадида қайта топширишга рухсат берилмайди.

2-боб. Ўқувчилар билимини назорат қилиш

1-§. Ўқувчилар билимини назорат қилиш турлари

11. Ўқувчиларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини аниқлаш учун юридик техникумда оралиқ ва якуний назорат ёки фақат якуний назорат ўтказилади.

12. Модулнинг назорат турлари ва шакллари, назоратлар сони ҳамда тегишли назорат тури учун максимал ва саралаш баллари тўғрисидаги маълумотлар ўқув дастурида белгиланади.

Ўқув дастури таълим жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимига (бундан буён матнда электрон таълим платформаси деб юритилади) ўқув семестри бошланишидан олдин киритилади.

Назорат турларини ўтказиш жадваллари ҳар семестрнинг иккинчи ҳафтасидан кечиктирмай Ўқув-методик бўлим томонидан ишлаб чиқилади ва директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Назорат турларини ўтказиш жадваллари тасдиқлангандан сўнг бир иш куни ичида факультет декани томонидан электрон таълим платформасига жойлаштирилиши ҳамда ўқувчилар эътиборига етказилиши таъминланади.

13. Оралиқ назорат семестр давомида модуль ўқув дастурининг тегишли (модулнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаганидан кейин ўқувчининг ўзлаштирган билим ва амалий кўникмаси даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули ҳисобланади.

14. Якуний назорат муайян модуль бўйича ўқувчининг назарий билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштирганлик даражасини, уларда модуллар бўйича эгаллаши зарур бўлган компетенциялар шаклланганлигини аниқлаш ва баҳолаш усули ҳисобланади.

15. Назорат турлари ўқувчининг ўқув адабиётлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш, процессуал ҳужжатлар лойиҳаларини тузиш бўйича амалий кўникмалари, муаммоли вазиятларни ҳал этиш (case-study),

мантикий фикрлаш, ўз фикрларини изчил ва аниқ баён қилиш қобилиятини баҳолашга қаратилган.

16. Назорат турлари бўйича саволлар ва топшириқлар модуль раҳбари ҳамда дарс машғулотларини олиб боровчи педагог ходим томонидан биргаликда ишлаб чиқилади.

Кафедра мудири назорат турлари бўйича саволларнинг сифатли тайёрланиши ва ҳар семестрнинг биринчи ҳафтасида факультет деканига тақдим қилинишини таъминлайди.

17. Факультет декани назорат турлари бўйича саволларни қабул қилган кундан бошлаб беш иш куни ичида унинг ўқув дастурида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширган ҳолда ўқув-методик бўлимга тақдим қилади.

18. Назорат турлари бўйича саволлар, қоида тариқасида, мантикий саволлар ва муаммоли вазиятларни ёки фақат муаммоли вазиятни (case-study) ўз ичига олади.

Саволлар:

ўқувчиларнинг ўтган ўқув йилларида тайёрланган ёзма ишлардан фойдаланиш имкониятини истисно қилиш учун заруратга кўра янгиланиши;
ўқувчиларнинг ўқув дастури доирасида ўзлаштирган билимларини ифода этиши;

муаммоли вазиятлар бўйича мунозарага киришишга қаратилган бўлиши;
аниқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатмаларига асосланган ва амалиёт билан бевосита боғлиқ бўлиши;

мазмунни ўқув дастурига мувофиқ бўлиши;

ўз ичига ўқув дастурининг тегишли бўлимларини тўлиқ қамраб олувчи маълумотларни мужассам қилган бўлиши;

ҳуқуқий манбалар асосида ўз нуктаи назарини асослаш ва процессуал ҳужжатлар лойиҳаларини тузиш кўникмалари шаклланганлигини аниқлашга қаратилган бўлиши;

ўқувчиларнинг модулни ўзлаштириш даражасини, таҳлил қилиш кўникмаларини, мустақил фикрлаш ва келажакдаги касбий фаолиятларида мустақил қарорлар қабул қилиш қобилиятларини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим.

2-§. Назорат турларини ўтказиш

19. Агар ТДЮУ Кенгаши қарорида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, назорат турлари ўқув режада белгиланган ҳар бир модуль бўйича, унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семестрда камида бир маротаба, аудиторияда ёзма шаклда, аудитория раҳбари ва кузатувчиси назорати остида ўтказилади.

20. Назорат турлари, қоида тариқасида, 2 соат (120 дақиқа) мобайнида ўтказилади.

Тегишли назорат турининг бошланиш ва тугаш вақти аудитория кузатувчиси томонидан аудитория доскасида акс эттирилиши зарур.

21. Назорат турларида иштирок этадиган аудитория раҳбари ва кузатувчилари таркиби ҳар бир назорат тури ўтказилишидан уч иш куни олдин факультет декани тавсиясига кўра педагог ва ўқув-ёрдамчи ходимлар орасидан юридик техникум директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Факультет декани аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларнинг рўйхатини тасдиқланган кундан бошлаб бир иш куни ичида юридик техникум таркибий тузилмалари эътиборига етказилади.

Келмаган аудитория раҳбари ва (ёки) кузатувчини алмаштириш мажбурияти факультет декани зиммасига юклатилади.

22. Назорат турларини олиб бориш жараёни видеоёзувда қайд қилинади.

23. Ўқувчилар назорат турлари ўтказилаётган аудиторияга фақат ўқувчилик гувоҳномаси ёки биометрик паспортини (идентификация ID-картасини) кўрсатган ҳолда киритилади.

24. Назорат турларини ўтказиш вақти бошлангандан сўнг келган ўқувчилар тегишли назоратда иштирок этишга қўйилмайди.

Назорат турларини ўтказиш жараёнида ўқувчиларнинг аудиториядан чиқиши, бир-бири билан гаплашиши, ўзга ўқувчининг ишини кўчириши, ўзи билан дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, луғатлар, маълумотномалар ва бошқа адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, конспектлар, электрон ва қоғоз шаклдаги шпаргалкалар, калькуляторлар, алоқа воситалари (шу жумладан уяли алоқа воситаси), аудио-, фото- ва видео-ёзув қурилмалари ҳамда бошқа ахборот-коммуникация воситаларини олиб кириши ва улардан фойдаланиши тақиқланади. Шахсий буюмлар аудиториядаги алоҳида столга қўйилиши керак.

Модулнинг хусусиятидан келиб чиқиб, тегишли модуль бўйича масъул педагог томонидан назорат турини ўтказишда калькулятордан фойдаланишга нисбатан истиснолар белгиланиши мумкин.

Назорат турлари бўйича белгиланган вақт тугагач ўқувчи аудиторияни дарҳол тарк этиши лозим.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган талабларни бузган ўқувчилар назорат туридан четлаштирилади ва далолатнома тузилади ҳамда ўқувчиларнинг назорат иши бекор қилиниб, унга ноль рейтинг балли қўйилади.

25. Назорат ўтказилаётган аудиторияга аудитория раҳбари ва кузатувчилардан бошқа шахсларнинг (юридик техникум директори, директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари, Ўқув-методик бўлим бошлиғи ва факультет декани бундан мустасно) кириши қатъиян тақиқланади.

26. Аудитория раҳбари ва кузатувчилари назорат турларини ўтказишда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат турлари бошланганидан кейин ўқувчиларни аудиторияга киритмаслик;

назорат турлари ўтказилаётган вақтда ўқувчиларнинг ўрнини алмаштириш.

27. Аудитория раҳбари ва кузатувчилари назорат турларини ўтказишда қўйидагиларга мажбур:

ўқувчиларни назорат турлари бошланишидан аввал уни ўтказиш тартиби ва давом этиш вақти ҳақида хабардор қилиш;

ўқувчиларга назорат турлари бошланишидан олдин фойдаланиш тақиқланган барча предметларни кузатувчиларга топширишлари зарурлигини тушунтириш;

ўқувчиларни аудиторияда бир-бирларидан кўчиришлари учун имкон бўлмайдиган ҳолда жойлаштириш;

назорат турлари ўтказилаётган вақт давомида ўқувчилар томонидан тартибга риоя қилинишини таъминлаш;

назорат турларини ўтказишда мазкур Низомда белгиланган қоидаларни бузган ўқувчиларни далолатнома тузган ҳолда назорат туридан четлаштириш.

28. I гуруҳ ногиронлиги бўлган, шу жумладан кўзи ожиз ўқувчилар мазкур Низомда назарда тутилган назорат турларини ёзма шаклда бажариш имконияти мавжуд бўлмаганда, у назорат тури бошланишидан камида икки ҳафта олдин директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосарига мурожаат қилади.

Бунда, мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган ўқувчи тегишли назорат турини оғзаки имтиҳон шаклида юридик техникум директорининг буйруғи билан тузиладиган юридик техникумнинг 5 нафар педагог ходимлари таркибидан иборат комиссияга топширади.

Комиссия таркиби ҳар ўқув йили учун бир мартаба тасдиқланади. Комиссия унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Комиссия томонидан қўйилган балл баённома билан расмийлаштирилади.

29. Назорат турларини ўтказиш давомида ўқувчиларнинг саволлар мазмуни билан боғлиқ эътирозлари кўриб чиқилмайди.

30. Назорат турлари учун ажратилган вақт тугаганидан сўнг, ўқувчи ўз назорат ишини аудитория кузатувчисига топширади. Назорат ишлари сони аудитория кузатувчиси томонидан қайта саналади, назорат иши varaқлари унинг имзоси билан тасдиқланади ва назоратда қатнашган ўқувчилар рўйхати ҳамда аудиториядан четлаштириш тўғрисидаги далолатномалар (агар мавжуд бўлса) билан биргаликда Ўқув-методик бўлимга топширилади.

3-боб. Назоратнинг холислиги ва шаффофлигини таъминлаш

31. Назорат турлари бўйича ўқувчилар томонидан ёзилган назорат ишларининг холислиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида унинг белгиланган қисмига Ўқув-методик бўлим бошлиғи томонидан тегишли белги ва рақамлар ёки электрон таълим платформаси томонидан автоматик равишда идентификация кодлари бериш йўли билан шифрланади.

32. Ўқув-методик бўлим педагогларнинг йиллик шахсий иш режасида белгиланган ўқув юкмасидан келиб чиқиб, модуллар бўйича шифрланган назорат ишларини текшириш учун тақсимлайди.

Назорат ишларини текшириш муддатлари Ўқув-методик бўлим тавсия-

си асосида директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари томонидан белгиланади.

33. Назорат ишларини текшириш педагог ходимлар томонидан юридик техникум биносининг ички қисмида, махсус ажратилган хонада амалга оширилади. Назорат ишини махсус ажратилган хона ташқарисига олиб чиқиш тақиқланади. Махсус ажратилган хона ичкарасига юридик техникум директори, директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари, Ўқув-методик бўлим бошлиғи, факультет декани ва текширувчи педагог ходимлардан ташқари бошқа шахсларнинг кириши ман этилади.

Педагог ходим томонидан назорат ишлари баҳолаш мезонлари асосида текширилади ва назорат ишининг биринчи варағи устига балл қўйилади. Балл аниқ ифодаланган шаклда педагог ходимнинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда қўйилиши керак.

Педагог ходим томонидан ҳар бир текширилган назорат ишига тақриз берилади ҳамда унда иш мазмунининг ижобий жиҳатлари ва йўл қўйилган хатоликлар акс эттирилиши лозим.

Шифрланган назорат ишини баҳолашнинг ҳолислиги ва шаффофлигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда, шу жумладан сўзнинг устига ёки тагига чизиш ёхуд атрофини чизиб қўйиш, ишда текширувчи шахс номига мурожаатнинг мавжуд бўлиши, матннинг турли қисмларига (шу жумладан, очиқ қолдирилган жойларига) график белгилар қўйиш, иш матнида ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиш ҳолатлари мавжуд бўлганда, назорат иши учун ноль рейтинг балл қўйилади.

34. Ўқувчи томонидан назорат ишини бажаришда академик ҳалоллик талабларининг бузилишига, жумладан муаллифликни ўзлаштириш (плагиат)га йўл қўйилмайди. Назорат ишида қоғоз ёки электрон кўринишда нашр қилинган ўзга матндан олинган манбага ҳеч қандай ҳавола қилмаган ҳолда ишлатиш ёки олинган манбага ҳавола қилинган бўлсада, лекин ўзлаштиришларнинг ҳажми ва характери ўқувчининг назорат ишини ёки унинг асосий қисмини мустақил ёзилганлигига шубҳа уйғотадиган даражада ўзлаштирилган бўлса, плагиат деб топилади.

Плагиат икки хил кўринишда бўлиши мумкин:

ўзга матнни сўзма-сўз баён қилиш;

парафраза — ўзлаштирилган ўзга матннинг мазмунини ўзгартирмасдан сўз ва ибораларни алмаштириб баён қилиш.

Назорат иши матнидаги ўзганинг муаллифлик ишидан олинган ҳар қандай матнда муаллиф, ишнинг номи ва ишнинг бошқа реквизитларини кўрсатган ҳолда ҳаволалар келтирилиши шарт. Назорат ишини текширишда муаллифликни ўзлаштириш (плагиат) ҳолатлари аниқланиши, шунингдек икки ёки ундан ортиқ ёзма ишнинг мустақил ёзилганлигига шубҳа уйғотадиган даражада ўхшаш бўлиши ушбу барча ўхшаш назорат ишларига, шу жумладан баҳоланган ўхшаш назорат ишига (ишларига) ҳам ноль рейтинг балл қўйишга асос бўлади.

35. Назорат ишларини текшириш натижалари бўйича тегишли баллар ишни текширган педагог ходим томонидан дарҳол электрон таълим плат-

формасига киритилади ва назорат ишлари Ўқув-методик бўлимга топширилади.

36. Ўқув-методик бўлим томонидан назорат ишлари натижалари асосида рейтинг қайдномаси ёки электрон таълим платформасида ўқувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми идентификация қилинган ҳолда жамловчи электрон рейтинг қайдномаси шакллантирилади.

Рейтинг қайдномасига тегишли маълумотларнинг тўғри киритилиши учун электрон таълим платформасига назорат ишларини текшириш ва балларни киритишга масъул бўлган педагог ходим жавобгар бўлади.

Жамловчи рейтинг қайдномасида тегишли маълумотларнинг тўғри акс эттирилиши учун Ўқув-методик бўлим бошлиғи жавобгар бўлади.

37. Назорат ишларини баҳолашнинг ҳолислигини ўрганиш мақсадида ТДЮУ томонидан назорат ишлари тасодифий танланган ҳолда қайта текширилиши мумкин. Бунда, ТДЮУ ректори буйруғи билан ТДЮУ профессор-ўқитувчилари жалб қилинади ва улар баҳолаш мезонлари асосида ўқувчиларга қўйилган рейтинг балларининг ҳолислигини аниқлайди.

Бунда, назорат ишлари ТДЮУ профессор-ўқитувчилари томонидан бевосита жойига чиққан ҳолда қайта текширилади ёки ТДЮУнинг сўров хатига асосан ТДЮУга қайта текшириш учун юборилиши мумкин.

Танланган назорат ишларини қайта текшириш натижасида уларга қўйилган баллар ўзгартирилган тақдирда қолган барча назорат ишлари қайтадан текшириб чиқилиши шарт.

38. Ўқув-методик бўлим бошлиғи назорат турлари натижалари бўйича рейтинг қайдномаларини кўриб чиқиб, балларнинг ҳаққонийлигига шубҳа уйғотувчи ҳолатларни (аксарият баллар максимал ёки минимал баллар билан баҳоланган) аниқласа, бу ҳақда директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосарини дарҳол хабардор қилиши лозим. Директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари юридик техникум директори буйруғи асосида ташкил этиладиган экспертлар гуруҳи томонидан назорат ишларини қайта текширтириш ҳуқуқига эга.

Экспертлар гуруҳи ишига раҳбарликни, қоида тариқасида, директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари амалга оширади. Экспертлар сифатида келишув асосида бошқа таълим муассасаларининг педагог ходимлари ёки амалиётчи мутахассислар иштирок этиши мумкин. Экспертларнинг шахси ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Экспертларнинг асосий вазифаси назорат ишларини мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари асосида қайта текшириб, қўйилган балларнинг назорат ишига мувофиқ ёки номувофиқ эканлигини аниқлаш ҳисобланади.

Қайта текшириш натижаларига кўра, экспертлар гуруҳи аъзолари томонидан имзоланган ҳулоса тегишли балларни ўзгартириш учун асос ҳисобланади. Ҳулоса Ўқув-методик бўлимга жамловчи қайдномани тайёрлаш учун тақдим этилади.

Экспертлар гуруҳининг ҳулосаси расмийлаштирилгунга қадар назорат ишлари натижалари якуний эмас деб ҳисобланади ва ўқувчиларга эълон

қилиниши мумкин эмас. Хулоса расмийлаштирилгунга қадар натижалар махфийлиги учун Ўқув-методик бўлим бошлиғи жавобгар ҳисобланади.

39. Ўқувчилар назорат турлари бўйича олган балларини электрон таълим платформаси орқали кузатиб боради.

40. Назорат турлари бўйича қўйилган баллдан норози бўлган ўқувчилар натижалар эълон қилингандан бошлаб 72 соат давомида факультет декани номига апелляция беришлари мумкин.

Апелляцияни кўриб чиқиш учун факультет декани билдиргисига асосан директорнинг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланадиган юридик техникумнинг назорат ишларини текшириш ва баҳолашда иштирок этмаган педагог ходимлари таркибидан камида бешта аъзодан иборат апелляция комиссияси тузилади.

Назорат турлари натижалари юзасидан берилган апелляция апелляция комиссияси томонидан барча модуллар бўйича назорат турлари натижалари эълон қилингандан бошлаб уч иш кўни ичида кўриб чиқилади.

Апелляция комиссиялари аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссияларининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва унда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Ўқувчининг апелляцияси апелляция комиссияларида оралиқ ва якуний назорат тури бўйича баллар қўйган педагог ходимнинг ҳамда апелляция берган ўқувчининг иштирокида кўриб чиқилади.

Апелляцияни кўриб чиқишда апелляция комиссиялари назорат ишларини ҳар томонлама ўрганади.

Ўқувчининг апелляциясини кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссиялари қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

эътироз асоссиз бўлса, апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш ва қўйилган балларни ўзгаришсиз қолдириш;

эътироз асосли бўлса, қўйилган балларни ўзгартириш бўйича юридик техникум директориға таклиф киритиш.

Ўқувчининг апелляциясини кўришда унинг илгари олган рейтинг баллини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

41. Текширилган назорат ишлари Ўқув-методик бўлимда (электрон таълим платформасида) уч йил мобайнида сақланади.

Назорат ишлари ҳужжатлар йиғмажилдларига киритилмайди ва алоҳида сақланиши талаб этиладиган ҳужжат ҳисобланмайди.

Назорат ишлари уч йиллик муддат ўтганидан сўнг йўқ қилинади (электрон тизимдан ўчириб ташланади).

4-боб. Назорат турларини баҳолаш тартиби ва мезонлари

42. Ўқувчининг ҳар бир модуль бўйича билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш Европа кредит трансфер тизимига (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) асосан мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ амалга оширилади.

43. Ўқувчининг ҳар бир модуль бўйича эгаллаган билим, малака ва қўникмалари, шунингдек ўқув семестри мобайнидаги ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириши 100 баллик тизим асосида бутун сонлар билан баҳоланади.

100 балл назорат турлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

оралиқ назоратга модуль бўйича тўпланиши мумкин бўлган максимал баллнинг — 40 фоиз (40 балл)гача;

якуний назоратга модуль бўйича тўпланиши мумкин бўлган максимал баллнинг — 60 фоиз (60 балл)гача, оралиқ назорати белгиланмаган тақдирда 100 фоиз (100 балл)гача ажратилади.

ТДЮУ Кенгаши томонидан назорат турлари бўйича баллар миқдори ўзгартирилиши мумкин.

44. Ўқувчининг модуль бўйича ўзлаштиришини баҳолаш қўйидаги намунавий мезонлар асосида амалга оширилади:

а) «А», «А-» аъло баҳо (86 — 100 %) олиш учун ўқувчи:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри ифодалаши;

муаммоли саволларни аниқлаши, ўз ҳуқуқий позициясини асослаб бера олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида масалаларни ечишда самарали қўллаш олиши;

ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил равишда ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;

амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;

модуль ўқув дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;

ўрганилаётган модуль бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларни қўллаш олиши;

семинар, амалий машғулотларида бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши лозим;

б) «В+», «В», «В-» яхши баҳо (71 — 85%) олиш учун ўқувчи:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри ифодалаши;

ўз фикрини исботлашда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;

стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;

амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намоиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим

ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бунда бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаслиги;

модуль ўқув дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;

ўрганилаётган модуль бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларни қўллай олиши;

бутун модулни ўзлаштириш давомида семинар, амалий машғулотларида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши лозим;

в) «С+», «С», «С-» қониқарли баҳо (55 — 70 %) олиш учун ўқувчи: давлат таълим стандартлари доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;

терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;

жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модуль ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;

модулнинг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;

педагог ходим раҳбарлигида стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;

ўқиладиган модуль бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;

семинар, амалий машғулотларида педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши лозим;

г) ўқувчининг билим даражаси «Д» қониқарсиз баҳо билан (50 — 55% гача) баҳоланади, агар:

давлат таълим стандартлари доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;

терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса;

семинар, амалий машғулотларда пассив қатнашган бўлса;

д) ўқувчи ўзлаштириши қўйидаги ҳолларда билим даражаси «Ф» (0 — 49% гача) баҳоланади, агар:

тегишли модуль бўйича билимларга эга бўлмаса;

амалий кўникмаларга эга бўлмаса, хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.

Модуль хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир модуль бўйича баҳолаш мезонлари тегишли ўқув дастурида акс этади.

45. Модуллар бўйича семестр учун ўқувчи рейтинги қўйидагича аниқланади:

$$R_i = \frac{V \times O^i}{100}, \text{ бунда:}$$

R_i — ўқувчининг рейтинги;

V — семестрда модуль учун ажратилган умумий юклама (соатларда);
O^I — модуль бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

5-боб. Якуний қоидалар

46. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

47. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазирли*

А. ТОШКУЛОВ

2022 йил 23 февраль

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг юридик техникумларида
таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқувчи-
лар билимини назорат қилиш тартиби ва
баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ўқувчининг ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириш даражасини Европа кредит трансфер тизими (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) асосида БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Баҳо	Баллда ифодаланиши	Тавсифи
A	100 — 93	Аъло
A-	92 — 86	
B+	85 — 82	Яхши
B	81 — 77	
B-	76 — 71	
C+	70 — 67	Қониқарли
C	66 — 60	
C-	59 — 56	
D	55 — 50	Қониқарсиз
F	49 — 0	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

100 Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқноманинг 16-бандига ўзгартириш кириши тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2699-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2015 йил 3 июлдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 2699, 2015 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 29-сон, 388-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқноманинг 16-банди биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қаттиқ (металл ва нометалл) фойдали қазилмалар ҳамда кўмир ва ёнувчи сланецлар захиралари ҳисобот баланслари геодезия ва картография фаолиятини бошлаганлик ҳақидаги хабарномаси қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг геология-маркшейдерлик хизматлари томонидан тасдиқланиши ҳамда Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси билан келишилиши керак.

Ер қаъридан фойдаланувчиларда геодезия ва картография фаолиятини бошлаганлик ҳақида хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома мавжуд бўлмаганда, ҳисобот баланслари шундай тасдиқномага эга бўлган жалб этилган бошқа корхоналар томонидан тасдиқланишига рухсат берилади.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Тошкент ш.,
2022 йил 24 февраль,
2-сон

Б. ИСЛОМОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2022 йил 10 февралдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3226-1

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 10 февралдаги 3-сон, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 2-2022-Қ/Қ-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 2-сон «Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2901-1

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2022 йил 21 февралдаги 4-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат коидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-5.

4. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 3 февралдаги 1-сон «Хорижий ишлаб чиқарувчи (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи вакили) томонидан ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш бўйича тақдим этилган аризанинг

кўриб чиқилиши учун ундириладиган йиғим миқдорларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3350.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 8 февралдаги 12/02-22-00142-сон, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2022 йил 7 февралдаги 2-сон «1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 290-5.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 01/20-03-сон «Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган микроорганизмлар ва вируслар штаммлари, ҳайвонот ва ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда захарларни сақлаш, ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2232-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги бош директорининг 2022 йил 14 февралдаги 1-сон «Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3191-1.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 1 мартдаги 3-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқувчилар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3351.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 24 февралдаги 2-сон «Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқноманинг 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2699-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1996 йил 11 октябрда ва «Ўзавтотранс» давлат-акциядорлик корпорацияси томонидан 1996 йил 16 октябрда тасдиқланган 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 290, 1996 йил 10 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 290-1, 2014 йил 13 январь), (рўйхат рақами 290-2, 2015 йил 20 июль), (рўйхат рақами 290-3, 2017 йил 14 март), (рўйхат рақами 290-4, 2018 йил 27 февраль).

2022 йил 28 февралда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.